Шукур Холмирзаев

Оғир тош кўчса...

Шукур Холмирзаев

ОҒИР ТОШ КЎЧСА...

Ҳикоялар ва қисса

Ў[redacted]

[redacted]

Тошкент — 1980

...SHAHAR YASHNOBOD TUMANI
...AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
№ 7135

Тақризчи филология фанлари кандидати
Озод Шарафиддинов

X 70303—136 / 3[illegible] (01)—80 59—80 4702570000

© „[redacted]" нашриёти, 1980

ҲИКОЯЛАР

НИМАДИР ЙЎҚ БЎЛДИ

Эр — Қисматулла таъсирчан, шўх, хотинига тегажак эди. Хотин — Ҳикматой совуққон, хотиржам ҳам андак қўполроқ эди. Лекин улар бирбирини яхши кўрар, шунинг учун табиатларидаги бу ҳар хилликни сезмас эдилар, гўё улар шундоқ туғилганлар-у, шундоқ бўлишлари лозим эди.

Бир куни булар бир зиёфатда бўлиб, бир эру хотиннинг ўзаро ва ўзгаларга муомаласига гувоҳ бўлишди. Улар бир-бирига шу қадар ярашган, шу қадар одобли, ҳаракатларию сўзлари шу қадар дилбар ва ўзларию ўзгаларга шундай ажиб дилдорликлар кўрсатар эдики, беихтиёр шу базм қаҳрамонларига айланиб қолишди...

Базм тугагач, бу антиқа жуфт ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрда кетди. Қисматулла билан Ҳикматой ҳам.

«Эр анча оғир... лекин хотини чучмал экан», деб ўйлади Ҳикматой.

«Ҳа, эри культурний, лекин хотини...»— Қисматулланинг ўйи ўзга, нотаниш чизиқдан кетди: у беихтиёр «қаҳрамон хотин»ни ўзининг Ҳикматойи билан қиёслади ва наздида, хотини ундан гўзалроқ туюлди, аммо таққос муомала-муносабат масаласига етганда Қисматулланинг кўнгли алланечук орзиқишга тўлиб, бир зум хаёлга толди: Ҳикматойдан шу маҳалгача бирон-бир илиқ сўз ё ёқимли бир дилдорлик кўрганини эслолмади.

— Кўрдингми у эр-хотинни муомаласини?— сўради у чидолмай.

— Кўрдим,— лоқайд жавоб берди Ҳикматой.— Эри дуруст, лекин хотини кўп кислий экан.

Қисматулла ёнгудек бўлиб кетди.

— Сенга шундай туюлгандир-да,— деди дағаллик билан.

Хотини эридаги янгиликни сезди, бу унинг ҳамиятига тегди.

— Бўлмасам, шунақасидан топа қолинг,— деди-да жадаллаб кетиб қолди.

Улар бошқа бир масала хусусида тортишиб, Ҳикматой шундоқ кетиб қолганда, Қисматулла унинг изидан бориб узр сўраб, сўнг унга тегажаклик қилиб, шўхлик қилиб, кўнглини олар эди — шу билан ўртадаги иноқлик тикланар эди. Шуниси қизиқки, эрининг бу одатини Ҳикматой ҳам яхши билар ва йўлакай унинг етиб келишини кутар, сўнг бир оз инжиқланиб, ён берар — шу билан иноқлик барқарор бўлишига ҳисса қўшар эди.

Қисматулла хотинининг ортидан қараб турар экан: «Нима учун энди ҳамиша мен гапиришим керак?» деб ўйлади бирдан ва ўзига-ўзи уқтирди: «Бу сафар ўзи гапирсин!»

Улар уйларига етгунча бир-бирига гап қотишмади. Хонага кириб, креслога чўкишди ва шунда нозик бир ҳолат майдонга келди: улар беихтиёр бир-бирига қарашди.

Илгари мабодо бирон масала хусусида шунга ўхшаш вазият содир бўлиб, сўнг фавқулодда бир-бирига қарашганда, Қисматулла кулиб юборар, сўнг Ҳикматой ҳам ўзига хос зўрга табассум қилар эди. Шунинг билан ярашарди.

Қисматулланинг кўзи хотинига тушди-ю, ичидан томоги томон бир кулги отилиб чиқиб келаётганини пайқади, аммо: «Йўқ, бу гал у кулсин!» деб ўйлади. Хотини эса тескари қаради.

Қисматулла шу кеча беихтиёр тарзда ўзининг таъб-табиати ҳақида хаёл суриб қолди ва унга бирдан шундай туюлдики, ўзи шўх, таъсирчан ҳам хотинига тегажак бўлгани учун хотини шундоқ: совуққон, хотиржам, ҳатто қўполроқ.

Қисматулла аҳд қилди: энди бунинг тескариси бўлиши керак, энди ўзи совуққону хотиржам бўлиши керак, шунда хотини ўзи каби бўлади.

Одатда эрталаб Қисматулла чойга уннар, Ҳикматой тўшакларни йиғар эди. Бу кун Қисматулла чойсиз жўнаворди ишга. Ҳикматойнинг ҳам ичиги келди ва тўшагини йиғмаёқ кийинишга тутинди. У тахминан эрининг кўнглидагини сезган, шунинг учун ундан ўч олишга аҳд қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бир ҳафта ўтди. Эр-хотин бегоналар каби яшашди.

Қисматулла қийналди, ўртанди: ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Шубҳасиз, Ҳикматой ҳам азоб чеккан бўлса керак: ахир у ҳам Қисматуллага ўрганган...

Кейинги ҳафтада хотин истироҳат ойига чиқди ва Венгрияга турист йўлланмаси олиб келди. Кийим-кечакларини чамадонга солар экан, эрига эшитиларли қилиб:

— Эрта кетаман, группамиз бошлиғи билетниям олибди,— деди.

Қисматулла унга ялт этиб қаради. Нимадир дейишни бурчи деб билди.

— Яхши. Мен ҳам кетаман... Сен келгандан кейин,— деди.

Тамом. Бу ёшлар ёш зиёли эр-хотинлар ўртасидаги расм бўла бошлаган бир одатни — ёшликда дунёни кўриб келиш учун хорижга чиқишни ўзларига қабул қилган, мана уч йилдирки улар гоҳ ёлғиз, гоҳ бирликда четга чиқишар эди.

Мабодо бирининг қолиб, бирининг кетишига тўғри келса, ўша туни уйларида уйқу ҳам кам бўлар эди... Лекин бу тун энг ширин ва лаззатли тун сифатида ёдларида қолар эди.

Бу тун ҳам улар кам ухлашди. Аммо гапсиз, сўзсиз. Шундоқ дақиқалар бўлдики, Қисматулланинг бирданига эҳтирос билан «бўлди!» деб Ҳикматойни бағрига олишига, Ҳикматойнинг ҳам бунга жуда тайёр турганига бир бахя қолди.

Эртаси Ҳикматой «пасадка» эълон қилинган самолёт майдони томон бораётганида ҳам нозик ҳоллардан бири содир бўлди...

Одатда бундай маҳалда Қисматулла хотинини одамлар кўз олдида қучиб ўпар, кулар, ҳазил гаплар айтар эди. Гарчи Ҳикматой одамлар олдида унга қарши норози ҳаракатлар қилиб турса ҳам, ичида беҳад завқланар, хурсанд бўлар эди...

— Хайр,— деди Қисматулла.

Қисматулла учун бу биринчи ёлғизлик кечаси ҳам азоб келтирди. Гарчи у шу кунларда хотини билан бегоналардек яшаган бўлса-да, бари бир у қалбининг муҳим бир гўшасини табиий ҳолда тўлдириб турган экан. Чамаси, Ҳикматой ҳам Москва меҳмонхонасида роҳат қилиб дам олмади.

Орадан ҳафта ўтиб, Қисматулла аҳволига кўника бошлади. Хотини қайтиб келадиган кундагина у таниш,

олис безовталик ичида қолди, интизорлик билан тонг отқизди, ҳаяжон билан уни кутгани чиқди.

Ҳикматой ҳам чамаси шу алпозда етиб келди ва эрининг қаршисига пешвоз югурди.

— Салом,— деди Қисматулла.

— Салом,— деди Ҳикматой.

Уларнинг қўллари туташди, лекин шунда: «Ҳозир ўзига тортади», деб ўйлади Ҳикматой. Қисматулла эса у томон чўзилаётган қўлини зўрға тутиб: «Йўқ... ўзи-ўзи», деб ўйлади. Бир неча дақиқа ўтди ва қўллар ажралишди. Шунда Ҳикматой кулимсираган бўлди. Қисматулла ҳам гўё одоб юзасидан унга жавобан жилмайган бўлди.

Сўнг, ҳайрон бўлишган каби, автобус бекати томон жилишди.

Уй, туп, тўшак...

— Ҳалиям... ўз... ўзгармадими одатингиз?— деди Қисматулла.

— Сизники-чи?— деди Ҳикматой.

Шунда улар туриб ўтиришди, бир-бирига бир вақтнинг ўзида эгилишди ва бир-бирини қучишди, аммо улар кутганига қарши, шундай туюлдики, эгилишмаса ҳам, қучишмаса ҳам бўлади...

Буни англаб, бирдан ажралишди ва бир-бирига қарашди: тушунишдики, ораларидан нимадир... нимадир йўқ бўлган!

1965

ОЛАМ ТОРТИЛИШ ҚОНУНИ

Хусан акани маҳаллада катта-кичик ҳурмат қилар, зеро, унинг ўзи ҳам гоҳо хасдан паст, тупроқдан хокисор бўлиб кетарди. Йўлда ким учраса салом берар, лекин ўша одам алик оладими, йўқми, бу билан иши бўлмас, ўз вазифасини астойдил адо этгандек, йўлига кета берарди. Оилада ҳам шундай эди. Олти қизининг энг кичкинаси билан ҳам сизлашиб гаплашар, аммо улар уни нечоғлик ҳурмат қилади, бу билан ҳам иши бўлмас эди. У гўё одамларни ҳурмат қилиш, лекин

улардан бунинг эвазига бир нима талаб этмаслик учун туғилгандек эди.

Бундай одамларни ҳар қанча мақтаса камлик қилади. Бироқ у кишининг яна бир жиҳати бор эдики, уни кузатган одам баъзан ғашланарди ҳам. Масалан, ўзидан амалда сал баландроқ кишига йўлиқса титраб-қақшаб турар, гўё у одам Ҳусан аканинг қисматини шу дамдаёқ ҳал этиб қўядигандек туюларди. Лекин ундан ҳам ўзига бирон бир илтифот кутмас эди.

Ҳовлида ток кесиб юрар эдим, Ҳусан ака очиқ дарвозани эҳтиёткорлик билан тақиллатиб кирди. Минг йиллик қадрдонини дафъатан топгандек шодиёналик билан кўришиб:

— Сизни муборакбод этгали келдим,— деди.

— Э,— дедим мен.— Нима билан?

— Жиянли бўлдингиз, оғажон!

— Қ-қанақа жиянли?

— Шу... мен ўғил кўрдим. Биласиз-ку... Шунга хурсанд бўлганимдан... келар ҳафта туғруқхонадан чиқади янгангиз.. Шунга, чилласи чиқмасаям майли, бир зиёфат қилмоқчи эдик. Шунга айтиб келдим. Йўқ демайсиз энди. Биламан, ишли одамсиз. Командировкангиз кўп. Шунга... Илтимос-да. Хўпми? Йўқ деманг.

Ҳусан аканинг мана шундай суйилиб, ҳатто чучмал бўлиб кетиши менга ёқмасди. Шунчалар каторлатиб гапириб ташладики, уни табриклашни ҳам эсдан чиқариб қўйдим.

— Шу денг.. позик дўстлардан ҳам айтганмиз. Улар албатта келишади. Шунга...

— Хўп, хўп. Бир оғиз сўзингиз, Ҳусан ака.

— Қуллуқ, қуллуқ. Бошим осмонга етди, жон ука. Янаги шанба. Соат олтиларда. Ишдан чиқадиган пайтингизга тўғри бўлди.

— Тушундим.

— Хўп, менга жавоб.

— Ўтирсангиз...

— Раҳмат. Миннатдорман.

Ҳусан ака кетди. Мен, дарвозани ёпиб, ичкарига кирдим. Негадир хит эдим. «Одам ҳам шунча суйилиб, хокисор бўлиб кетар эканми? Нега шунақа экан-а!» Бориб, яна ток кеса бошладим. Хаёлим тағин у кишида. Ўзи шаҳардан четда, бобосидан қолган ерда ёз ойлари деҳқончилик қилади. Вақтида агрономлик курсини ҳам битирган,

бир неча муддат ўз касби бўйича ишлаган ҳам. Кейин нима ҳам бўлиб, фельдшерлик ўқишига кирган.

Ўша йилларда у киши билан танишган эдим. Ўпкам қаттиқ шамоллаб касалхонага тушдим. Нафас олишим оғир эди. Хайрият, ўша куни Ҳусан ака навбатчи экан. Ёнимдан жилмади. Лекин мени сал боплади хам. Нафас олишим оғирлашган сари укол қила берди. Нима бало, ўзим кўпол бўлсам ҳам, терим юпқа эканми, укол акс таъсир қилиб, баданимга қизилча тошиб кетди. Бир ҳафта қашиб, бўлганимча бўлдим. Лекин Ҳусан акага бари бир раҳмат айтдим. Нима дей? Шундай қилиб, танишиб қолган эдик. Уйига ҳам борадиган бўлдим. Домино ўйнаймиз. У киши гоҳо агрономлик қилган пайтларидан гапириб қолар, айниқса, қовун уруғларининг асл навлари йўқолиб кетганидан шикоят қилар, колхозда ишлаб юрган чоғларида нуқул «амири» навидан экдирганини, лекин тарози босмаслиги, бригаданинг қовун планини сира бажармаганини, охири танқид эшита-эшита ишдан кетганини сўзлар эди.

Фаҳмимча, бу кишининг ичида бировга айтмайдиган гапи ҳам бор эди. Дилида орзулари кўп бўлган. Шубҳасиз бу одам каттакон бир раҳбар, арбоб бўлишни орзу қилган... Лекин бунинг учун нима қилиш кераклигига ақли етмаган. Арбоблик зинасидан кўтарилмоқ учун зарур бўлган ички қобилият етишмаган унга. Оқибат, у киши ўзидан сал амали катта одамларга сирли бир нимага қарагандай қарайдиган бўлган ва бу нарса қон-қонига сингиб кетган. Энди у киши нуқул ўшандоқ одамлар даврасида бўлишни истар, даврасига кира олмаса, ўзи уларни бирон бир баҳонада чақириб, ўтиришни истар эди. Мана, ҳали мени зиёфатга айтиб кетди. Мен аминман, зиёфатда оддий, ўзи қатори (ўзи ўта ҳурмат қиладиган) одамларга нисбатан, ўзидан «юқори» одамлар кўп бўлади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Шанба куни борсам, дарвоза олди турли маркали, турфа машиналарга тўлиб кетган. Ҳовлида бамисоли тўй бўляпти. Кирдим. Зиёфат кўнгилхушлик билан ўтди. Эл қатори чиқдим. Уйга келиб, хотинимга гапириб бердим.

— Қизиқ одам, — деди аёлим. — Яна кимлар бор эди?

— Фақат сен йўқ эдинг... Учта совхоз директори, бешта бригадир. Иккита бўлим бошлиғи. Олтита врач... Маҳалла оқсоқоли, магазин директори...

— Яна?

— Э, қуйбер. Ўзиям бўлганича бўлди дейман. Энди бир ой нонга ҳам пулни ҳисоблаб сарфлайдиган бўлди!

— Ўзига зиён.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да.

Орадан анча вақт ўтди. Ҳусан ака бунақа зиёфатларидан кейин хийла вақт кўринмай кетарди. Кўринмай кетди. Мен ҳам иш деб, командировка деб, шаҳарма-шаҳар юрдим.

Йил деганингиз ҳам ҳаш-паш дегунча ўтадиган бўлиб қолган. Туғилган жиянимиз Содиқбекнинг бир ёшга тўлгани маълум бўлди. Ҳусан ака эрта куз кунларининг бирида уйга келиб, мени зиёфатга таклиф этди:

— Илтимос энди... йўқ демасангиз... Нозик меҳмонлар келишади, албатта. Йўқ демайсиз, жон иним... Ишондим... Шанба куни. Соат олтида... Нақ ишдан чиқиб келасиз... Кутаман-а?

Мен одатдагидек кўнгил ғашлик билан гапни қисқа қилдим. Боришга сўз бердим. Лекин дафъатан бора олмадим. Қўқонда эдим. Ўша куни шаҳарга етиб кела олмадим. Эртаси Ҳусан ака эринмай уйга келди.

— Ука, сиздан умидимиз бул эмас эди-ку, жон ука? Роса кутдик-да, оғажон... Кўчага чиқиб қарайман денг. Қани кўринсангиз... Барча меҳмонлар келишди... Совхоз директорлари... Врачлар... Бригадир, бўлим мудирлари... фақат сиз йўқсиз-да... Шундай бўлмапти-да... Ўзингизнинг жиянингиз .. Туғилган куни...

Мен Содиқбекнинг туғилган кунлари ҳали кўп бўлишини, Ҳусан акам қўли очиқ, меҳмондўст эканини айтиб, ўшандоқ зиёфатларга жон-жон деб боришга сўз бердим.

Фалокат оёқ остида дейдилар. Келаси йил ҳам ўшандоқ туғилган кунига бора олмай қолдим. Ҳусан ака тағин эртаси келиб, кўп ранжиб гапирдилар. Бу гал у кишига жуда раҳмим келиб: «Шу даҳмазалар жуда шартми!» дегим келди. Лекин начора. У киши шунақа одам. Бир ҳисобда бунақа одатнинг нима ёмон томони бор? У киши бундан завқ олади. Тамом.

Бу гал ҳам Ҳусан ака кетгач, мен у киши тўғрисида хаёл суриб қолдим. «Ҳар қалай омадсиз одам деб бўлмайди... Ё омадсизми?— деб ўйладим.— Қизиқ-да... Бўлмасам, уларни чақириб, бор будини сарф қилиб нима топади? Бу одамни хушомадгўй деб ҳам бўлмайди... Синиқ, орзуманд одам... Унинг дилидагини билиб бўлсайди?!»

Дунёда нима кўп, ўлим кўп. Ажал деган ёшу қарини саралаб ўтирмас экан. Содиқбек қаттиқ шамоллаб қолибди. Касалхонага олиб борибдилар. Ҳусан ака унинг бошидан жилмабди. Роса укол қипти. Яхши сўзлар билан овутмоқчи бўлибди. Лекин фойдасиз.

— Шунақа бўп қолди, иним,— деди у киши оқшом маҳали, энди Термиздан келиб, ўтирган эдим.— Ҳа, ука, оллo кўп кўрди Содиқбекни... Қаранг-а... Начора, умри қисқа экан. Бир кўрсатиб, дийдорига тўйдирмаёқ олди-қўйди... Қуруқ жасадим юрибди, ога...

Мен донг қотиб турардим. Ҳусан ака ҳақиқатан ҳам чўкиб қолган. Титрайди, қалтирайди. Рангида ранг йўқ. Бечора! Шунда билдимки, бу ота ҳақиқатан ҳам Содиқбекни тилаб олган экан! Ахир, олти қиз кўргандан кейин ўғил топган эди-я! Номард фалак.

У кишининг кўнглини кўтармоқчи бўлдим:

— Содиқбекнинг умрини бошқа фарзандларингизга улашиб берган бўлсин, Ҳусан ака... Ҳали яна фарзанд кўрасиз, ишона беринг. Расми, ўзи шундай бўлади. Меним бир қариндошим кетма-кет саккиз қиз кўргандан кейин яна кетма-кет тўрт ўғилли бўлган эди.

У киши жимгина, юмшоқ, дўмпайган қорни устига бақувват, семиз қўлларини қўйиб, мунис турар эди.

Бирдан миямга бир нима урди: «Нега турибдилар? Борош зарга керакмикан? Қандай айтсам бўлади?»

— Хўш, Ҳусан ака, уйга кирайлик.

— Йўқ, йўқ. Эртага эрталаб чиқарамиз Содиқбекни. Шунга сизни айтгали келиб эдим.

— Оббо,— деб юбордим.— Шунга ҳам айтадими? Оёғим бор, ўзим бораман-да. Қулоқ бор, эшитдик... Яхши эмас, Ҳусан ака. Уйга боринг. Бу юриш сизга ярашмайди.

— Боринг,— деди у киши дарвозадан чиқар экан.— Шунга... дўст-ёронлар келади... Нозик меҳмонлар... Шунга бир кеча сақлаб турмоқчи бўлдик...

Юрагим сиқилиб кетди. Негадир бу одам шу топда кўзимга... кўриниб кетди. Тезгина изимга бурилдим.

Буим ол экан. Эрталаб соат бешлармиди, тўрт яримлармиди, телефон жиринглаб қолди. Раҳбаримиз. «Соат олтига яқин самолёт келади! Меҳмонлар бор. Сиз кутиб олишингиз керак. Агар бу ерда қолишни истамаса, тўғри Хоразмга учасиз!» Оббо, буёғи қандоқ бўлди энди?

Уйқу қочди. Тонг ёғаяпм саҳарлаб Ҳусан аканикига

ўтаман, деб ўйладим. Лекин йигирма минут ўтар-ўтмас, кўчада «Волга» сигнал берди. Чиқсам, ўзимизнинг шофер.

— Ҳа?

— Келдим,— деди у.— Хўжайин айтдиларки, соат олтига қолмай келиши ҳам мумкин экан.

— Э, шу ишниям...

Соатга қарасам, ўн минути кам олти. Кийим-бошга ҳам қарамай машинага ўтирдим. Самолётлар баъзан қандоқ келиши ўзингизга маълум. Олти ярим, етти ярим бўлди. Саккиздан ошганда келди. Меҳмонлар тўрт киши эди. Юкларини олиш учун ҳам ярим соат овора бўлдим. Меҳмонхонага олиб келганимизда, соат тўққиз эди.

Тўққиз! Тўққизгача мурдани сақлаб ўтирадими! Аслида кеча кўмилиши керак эди!

— Хўш, тамадди қиламизми?— деб сўрадим меҳмонлардан.

— Ҳа, чой ичсак бўлади,— деди каттаси.— Кейин тўғри Хоразмга. Вақт ўтмасин, дўстим!

Соат ўн бирларга яқин уларни олиб вокзалга чиқдим. Энди орқага қайтгим келмади. Тузук кийинмаган бўлсам-да, уйга бир телефон қилдим-у, меҳмонлар билан «Самарқанд — Урганч» поездига ўтирдим. Кетдим.

Тўрт кун деганда қайтиб келдим. Ҳамон кайфиятим яхши эмас эди.

— Хотин, сеткани ол. Мен Ҳусан аканинг уйига чиқиб келай.

— Шунақа қилинг,— деди аёлим.— Ўзлари икки марта чиқдилар. Ишонмайсизми?!

— Нима деб?

— Қайдан билай.

Учрашувни қаранг!

Энди кўчага чиқиб эдим, мунғайибгина келаётгган Ҳусан акани кўрдим

— Э,— деди Ҳусан ака.— Ҳим...

— Уэр, шу...— деб чайналдим.— Иш дегани.... Яқинда бўшамоқчиман...

Ҳусан ака мунғайиб бош ирғатди. Сўнг ўзича минғиллаб гапира кетди:

— Кўп кутдик. Кўчага чиқиб қарадим... Йўқсиз... Нозик меҳмонлар келишди. Иккита совхоз директори. Учта врач... Тўртта агроном... Раҳмат уларга... Сизни деб марҳумни бир оз кутирдим ҳам... Фақат сиз... ука...

Мен қуруқ сурат бўлиб, у кишига қараб турардим.

Ҳусан ака тагин шу оҳангда анча гапирди-да, мени лафъатан унутгандек бўлиб, ўтиб кетди. Нима қилдим энди? Удум. Секин у кишининг уйига бордим. Ғамбода бўлиб ўтирган қария қарши олди. Таъзия билдириб чиқдим. Энди мен Ҳусан ака билан бақамти ўтириб гаплашишни истардим. Лекин у киши одамови бўлиб қолган, баъзан мени кўрмагандек ўтиб кетарди.

Шунда... «Ҳусан ака оғир ётибди», деган гапни эшитиб қолдим. Борсам, соб бўп қолган. Кўзларида нур йўқ. Докторлар билан гаплашдим. «Шол,— дейишди.— Танаси ишламай қолди. Ёрдам бериб бўлдик. Энди парҳезгаям ҳожат йўқ. Нима истаса есин, нима гапирса гапирсин».

Ҳусан аканинг ёнида бирон соат ўтирдим. У киши бирон оғиз ҳам гапирмади, бир нима емоқчи эканини айтмади ҳам. Тасодифни қарангки, жони узилаётганида ҳам у кишининг бошида эдим.

Ғаройиб қисматни, у кишининг уйида кўрганим кўпгина раҳбар шахслар, ўша совхоз директорларию врачлар, бўлим бошлиқлари ҳам шу ерда, бу хокисор, меҳмоннавоз оламнинг қазоси яқинлигини эшитиб келишган экан.

Лекин Ҳусан аканинг табиатидаги энг даҳшатли нарса шу эдики, на менга, на-да анавиларга парво қилмас, онда-сонда аёли билан, қизлари билан сўзлашар, уларга тайинли гап қилар эди.

Фалон кишидан қарзи бор экан, узгани яхши бўпти. Катта қизи ўғлини табибга кўрсатиши керак. Кўз оғриғи бор. Ўзи ўлса, катта амакиси қабри ёнига қўйишсин. Шуни айтишим керакки, Ҳусан ака тамомила ҳушёр эди. Мени ҳам, меҳмонларини ҳам таниб турар эди. Биз — у кишидан ҳаммавақт илиқ-иссиқ сўзлар эшитиб ўрганган эдик! У одамнинг мана шулар билан ўтиришдан олам-олам завқ олишини ҳам яхши билардим! Бу — унинг ушалмаган орзулари, армонлари ҳаққи кўнглига малҳам бўлишини ҳам тушуниб етган эдим. Ҳозир яна ҳаммамиз унинг қошида эдик-у, лекин шу топда унинг учун йўқ эдик.

Мен у кишининг охирги сўзини эшитиб қолдим.

— Болам Содиқбек, мени ташлаб кетдинг-а... Сенсиз... Ёнингга бориман... Ёлғиз эдинг... Мен ҳам ёлғиз...— Шундай деб юзини четга бурди.

Назаримда билдим — мендан ва анави меҳмонлари-

дан юзини бурди. Сездимки, биз бу одамга ҳеч маҳал керак бўлмаганмиз! Йўқ, аниқроғи, керак эмас эдиг-у, буни энди сезганди.

— Содиқжон...— деди у яна.

Ҳа, биз унга керак эмас эдик.

Унинг учун энг керакли, бор нарсалар — фарзандлари, оиласи, энг табиий-инсоний ташвишлар эди.

1978

ОҒИР ТОШ КЎЧСА

— Қани, бизга ким коньяк оп келади? — деди колхоз раиси Шоберди Муродов.

Унинг қаршисида, сўзана тутилган девор тагида муштдай бўлиб ўтирган мухбир йигит Ислом пиқиллаб кулиб, чўккалаб чой қуяётган Эсонга қаради.

— Эсон, сенга гапиряпти раис бобо!

Эсон қизариб, Муродовга тикилди.

— Мен боришим керакми? — деди.

— Ҳа, бориб келинг! — деди раис. — Бизнинг хотинга айтасиз, «плиска»дан бор, битта чиқариб беради.

— Агар бормасам-чи? — илжайди Эсон.

— Борасиз! — сўзида туриб олди Шоберди Муродов.

— Турсин-да энди! — деди Ислом унга. — Раис бобо гапиряптилар-а! Кўзингизни шира босиб қолдими? Раис бобо, бунинг қорни тўйиптими деймаи, эгасига қарамаяпти.

Давра қаҳ-қаҳ отиб кулди. Эсон эса, ҳовур чиқиб турган пиёлага тикилиб қолди.

— Ҳов, Эсонбой, туринг энди! — деди Муродов яна ва ёнбошидаги парёстиқни олиб, тиззасига қўйди, унга ўмровини тираб олди.

Эсон илжайганича, раисга тикилди.

— Бормайман, ўртоқ Муродов. Овора бўласиз. — Ислом бошини сарак-сарак қилди.

— Бунда ўзгариш бор, раис бобо. Ўзингиз айбдор.

Муродовнинг авзойи ўзгарди. Ёноқлари кўзи томон пилдак тиришди, худди мўйловини силагандек қилиб, юқори лабини икки бармоғи билан сийпади.

— Хўп, дўстлик учун бориб келинг, — деди Эсонга. — Синфдошлик ҳурматини қилинг.

Эсон чордана қуриб олди.

— Ҳали гапни шундан бошлаганингизда, бориб келардим. Энди бари бир бормайман!

Энди меҳмонхонани тўлдириб ўтирган ёр-жўралар жиддий тортишди. Муросага кўчиб, Эсонни коньяк олиб келишга ундай бошлашди.

— Бормайман дедимми, бормайман! — қичқириб юборди Эсон. — Мен малай эмасман! Ҳей, — у Исломга ўшқирди: — Қачондан бери мен бу одамга малай бўлиб қолдим? Қачондан бери? А? Иккита орриқ эчки берган бўлса, қайтариб олсин! Болаларим оч қолмайди. Топаман!

Ислом яна пиқиллаб кулди.

— Лекин раис боболан алоқанг узилса, уласан-да, ошнажон. Унда биз нима қиламиз? Эрта-индин қиш тушади... Оборагарчилик!..

Эсон чап қўлини кўтариб, Исломни урмоқчи бўлди. Ислом аввал-баҳор «вой-вой» деб, шеригининг орқасига ўзала тушди. Эсон унинг қуймучига мушт тушириб, чўнқайиб олди.

— Энди бас қилинглар! — деди сўнг лаби-лабига тегмай. — Ҳазилнинг ҳам чегараси бор! Сиз ҳам, ўртоқ Муродов, жуда-а... кишиларни ундай пастга урманг. Яхши эмас.

Соқий узун бурнини жийириб: «Бу ёмон-ку?» — деб ғингиллади. Ислом билан пичирлашиб, қаттиқ кулишди. Бошқалар гап чалғисини учун улардан нимага кулганларини сўрашди.

— Э, ўзимиз, шундай... — деди Ислом.

— Эсон жўра, чойдан қуй! — деди соқий.

Эсон чойдан қуйиб узатди.

Шоберди Муродов ҳамон лабини силаб, юзини тиришириб ўтирар, киртайган кўзларидан уялгани билиниб турарди.

— Хўп, он кемаганинг, он кеманг, — деди. — Қани, тамада, ароқдан қуйинг бўлмасам!

Даира яна аввалги шўхлигига қайтди.

— Соат ҳам уч бўп қолди! — деди рассом Ғингитали.

Ҳамма соатига қаради.

— Уч... Уч бўп қопти... Туриш керак... Етгунча олти бўп қолади, — дейишди.

Шоберди Муродов тиззасидан ёстиқни олиб, ёнига ташлади. Остонага яқин, деворга суяниб, устихон тозалаётган шофёрига қаради.

— Қани, Қулматбой, турамизми энди? Машинангиз қовун туширмайдими? Ухлаб қолмайсизми йўлда?

Қулмамат ҳиринглаб кулиб, ирғиб турди.

— Раис бобо, бизнинг мошин ҳеч қачон падвадит қилганми? Шопир-чи? — деди.

— Баракалло! Қани, турдик бўлмасам! — раис сокийга қараб ҳовучини очди. — Шу хонадондан баракақут аримасин! Омин! Йигитали, чарчамадингизми?

Йигитали ҳам қўзғалди.

— Йўқ. Сизларнинг суҳбатларинг менга ёқади. Шуни эшитай деб келаман! Биласизми, бунақа давралар ҳозир кам қолган. Нима десам бўлади, бунақа... болаликдаги шўхлигини сақлаган ошна-оғайниларни айтяпман-да. Қаранг, қандай очиқчасига гаплашади! Мана, сизнинг гапингизгаям кўнмади!.. Ҳолбуки, кўп жойларда буннинг тескарисини кўраман!

Шоберди Муродов жимжилоғи билан тишини ковлаб, бош ирғади. Эшик томонга ўтар экан, печь ёнида қўл қовуштириб турган Эсонга кўз ташлади.

— Бизнинг топшириқни бажармадингиз-а, сиз билан бошқа ерда гаплашаман, — деди.

Эсон кўксида тутиб турган қўлларини бирдан ёнига туширди, тўгарак-тўла юзи маъносиз бўзрайди. Шунда соқийлик қилиб ўтирган уй эгаси Абдумажид унинг биқинига туртди. Эсон чуқур хўрсиниб:

— Хўп. Хоҳлаган жойингизда гаплашинг, — деди. — Мен тайёрман. Балки эртага мактабга ўтиб борарсиз?..

Муродов унга қарамай, эшикдан чиқди. Абдумажид чекиниб, Эсонни бурчакка тортди.

— Бўлди энди! — деб аччиқ шивирлади. — Жанжал чиқармоқчимисан? У-ку бир... Бўлмасам шу ерда ўзини кўрсатмоқчи бўладими? Уйдан коньяк опке эмиш! Бу гап менга тегмадими, менга? Уй эгасига? Қўй энди. Парво қилма! Бир ҳисобда уни қайтариб ташлаганинг яхши бўлди. Иккинчи марта бу олифтачилигини қилмайди... Энди бас. Йигитали шу ерда. Меҳмон айб қилиб кетмасин! Шунинг ҳурматига йиғилдик-ку?

Эсон чуқур нафас олди.

— Айб ўзимда, Абдумажид. А? Айб ўзимда-я? Нима

деса, хўп деганман. Сизники тўғри деганман. Сизлар ҳам бунга ўрганиб қолгансизлар.

— Шуни билсанг, жим бўл энди. Эсон-омон бориб келайлик.

Булар ҳам ташқарига чиқишди. Меҳмонлар супа устида гўнғиллашиб, кулишиб турарди. Абдумажид танча устини тимискилаб, рўмолга тугиб қўйилган яхна гўшт, нон ва арақни кўтариб олди.

Тор кўча оғзида Қулмамат виллиснинг кичкина чироқларини ёқиб, моторни ўт олдириб турарди. Шоберди Муродов ўнгдаги эшикни очиб, ўриндиқни олдинга қайтарди.

— Қани, ўтираверинглар! — Йигиталини тутиб турди. Ҳамма кириб ўтиргач, ўзи ҳам кириб шофер орқасидан жой олди. — Йигитали, сиз олдинга ўтиринг! Ўтиринг!

Йигитали ҳам ўрнашиб, сигарета тутатди. Орқада, бурчакка тиқилган Ислом ҳиринглаб кулди.

— Йигитали, олдинда ўтириш маза-а? Раис бобом ҳам биладилар-да. Нуқул ўша ерда ўтирадилар. Раис бобо, сизга бир саволим бор, шу раислик қанақа бўлади, а? Раис бўлган одам жуда маза қилса кераг-а?

Шоберди Муродов жиддий жавоб қайтарди:

— Сиз ҳам бўлишингиз мумкин. Бу ўзингизга боғлиқ, ука... Лекин, иши оғир. Тиним йўқ. Мана, сизлар саккиз соат ишни қилиб, бола-чақанинг олдига келасизлар, иссиққина уйга кириб оласизлар. Бизлар бўлса, эҳе! Икки кунлаб ухламаган вақтларимиз бўлади. Мана, Абдумажид билади буни. Агроном, лекин буям оқсоқ! Чарчадими, касалман, деб ётиб олади.

Абдумажид қийқириб кулди.

— Ўзингизнинг қўлингиздан келмайди-да шуям, ўртоқ Муродов!

— Ҳа! Ўйламайсизлар-да! — тўнғиллади раис ва олдинга энгашиб, Йигиталидан сигарета сўради. — Раҳмат. «Столичный»ми бу? Шу тузук... Раҳмат!

Машина ўнқир-чўнқир тор кўчадан чиқиб, асфальтга тушди. Ёр-жўраларнинг суҳбати, кулгиси давом этарди.

— Раис бобо, ёшингиз нечада, а? — сўраб қолди Ислом ва Абдумажиддан мушт еб, қайта сўради: — Нечада дедингиз?

— Биз ҳаммамиз тенгдошмиз, иним? — жавоб берди Муродов.

№ 7135
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI

— Бўлмасам, нимага мени ука дейсиз? Кечирасиз.

— Э, буларга кулги бўлса,— яна тўнғиллаб қўйди Муродов. Сўнг Йигиталига зорланаётгандай, деди:— Йигиталибой, одамларда тушунча кам-да. Ўйламайди... Баъзида сўкасан, баъзида уришасан. Баъзида, энди, бирини ака, бирини ука дейсан.

— Тўғри, раҳбарларгаям қийин,— деди Йигитали.

Машинанинг бир маромда кетиши чарчаган йигитларни элита бошлади. Олажарга етганда улар ҳар хил алпозда ухлашар, бири-бирининг елкасига бошини қўйган, бошқаси тиззасига тиралиб чайқалар, Шоберди Муродов ҳам ўриндиқ қанотига манглайини қўйиб тебранар, Йигитали ҳам ўтирган жойида чайқалар эди. Олажарга киришгач, машина яна ўқир-дўқирга тушди. Ёр-дўстлар уйғона бошлади. Кимдир жиндак-жиндак отишга истак билдирди-ю, бошқаларга ҳам бу таклиф ёқиб кетди. Машинани тўхтатиб, яримта арақнинг бошига етишгач, яхнадан газак қилиб, яна йўлда давом этдилар.

Даврага яна ўша руҳ кирди.

Орқадагилар ўзларича, Шоберди Муродов Йигитали билан гаплаша бошлади.

— Ҳов, мана бу оқариб турган жойни кўряпсизми?— деб қўли билан кўрсатди Муродов.— Ана, ана!

— Кўряпман, кўряпман,— деди Йигитали.— Буғдойпоями?

— Буғдойпоя! Биздан илгариги раис бу ерни одамларга бериб қўйган экан. Посира экиб олишарди-да. Мен қайтариб олдим. Райкомга кирдим. Бу қанақаси? Давлатнинг ерига ким-кимлар экин экиб, ўз манфаатига ишлатиб юрса, дедим. Райком ҳам менинг фикримга қўшилди. Қайтариб олиб, колхозга қўшдим!

— Лекин шу ишингиз билан, раис бобо, кўпларнинг қарғишига қолдингиз!— орқадан гап отди Ислом.— Бечораларнинг тўрт-бештадан моли бор. Унга емиш керак. Етти сотих томорқада нима битади? Сув бўлсаям бир нави эди, эккан экини кўкарарди. Сув йўқ. Булоқларингиз ҳам бу йил қуриб қолди. Одамларнинг экинлари кўкармай қуврадн. Шу томонлари бор-да, раис бобо!

— Ана, бу корреспондентнинг гапига қаранг!— деди Шоберди.— Эшитяпсизми, Йигитали? Аслида ишни шуларни тарбиялашдан бошлаш керак!— Раис Ислом-

га ўгирилди.— Ҳой йигит, хато қиляпсиз! Сиёсий хато қиляпсиз. Ҳаммамиз давлатнинг одамимиз, шуни эсдан чиқарманг.

— Кечирасиз,— Ислом пастга тушиб, ўтириб олди.— Кечирасиз, раис бобо! Шахсий мулк-чи? А? Шахсий мулк коммунизмда ҳам бўлади, буниям эсингиздан чиқарманг!

Муродов хохолаб кулди.

— Ана, ана энди ўзингизга келдингиз, мухбир йигит! Шахсий мулк керак, буни мен ҳам инкор қилмайман. Лекин... мана бу, мана бу лалмикор шахсий мулкми? Шахсий мулкми? Йўқ, оғайни! Ўйлаб гапириш керак...— Муродовнинг овозида кулги сезила бошлади:— Лекин, ўртоқлар, биз ҳам ўйлаймиз, ҳа, ўйлаймиз! Халқни унутмаймиз. Шу ернинг сомонидан, чорисидан бермадикми, а? Бердик. Тўғри, сизга эмас. Чунки сиз интеллегент. Сизда мол йўқ. Хўш, бошқаларга бердик!

Орқадагилар бурчакка тиқилиб ўтирган Эсонга қарашди.

— Ул сен!— деди Ислом Эсонга.— Яна ҳеч нарса кўрмадим деб, лабингни ялайсан! Нима деяптилар раис бобо! Тонасанми? Яна сен бу кишининг топшириғини бажармайсан. Бажармаган кунинг ўлдим деявер. Молларинг эмас, ўзинг ҳам очдан ўласан!— Ислом Эсоннинг муштумидан тисланиб, давом этди:— Тўғри-да, муаллимликдан оладиган юз сўминг билан кимни боқасан? Тўққизта болангними? Ўзингними?

Эсон гавдасини орқага тортаркан, бошини бирдан темирга уриб олди:

— Э, худо! Мени бунча бахтсиз қилмасанг!— деди.— Муродов, бас қилинг энди, менга ҳеч нарсангиз керак эмас! Керак эмас. Берган ўн қоп сомонингизни эртага олиб келиб, дарвозангиз олдига тўкаман... Керак эмас! Ўзим аҳмоқман.

Абдумажид унинг елкасини силади.

— Аҳмоқлигинг рост лекин, жўражон.

Машина ичи яна кулгига тўлди. Йигитали:

— Қизишманглар,— деди. Ўгирилиб, Эсонга қаради.— Эсон, мен сизни танимай қолдим. Оғир эдингиз, ҳазилни кўтарардингиз. Ҳайрон бўляпман... Ҳаммаларинг оғайнисизлар. Бундан кейин ҳам ажралмас дўст бўлиб қоласизлар... Келишдикми? Агар рози бўлса-

нгиз, шунинг учун мен эллик грамм ичишга тайёрман.

Тағин машина тўхтади.

Улар белгили манзил — Томошакамар тепасига етиб, машинадан тушишганда, кунчиқар уфқи сарғая бошлаган, пастликдаги дара соҳилларини қоплаган оқиш туман муюлишларга, пастқам жойларга сурилиб борар, шимолдан, тоғ остидаги арчазордан совуқ шамол эсар эди.

— Кетдик камарга! Кетдик! — деди Абдумажид ва тугунини кўтариб, тошларни айланиб ўтган сўқмоққа тушди.

Ислом бўлса, шапкасини бостириб, оқшом машинага солиб қўйган милтиғини чиқарди, милига пуфлаб, ўқ жойлади.

— Мен шу ёққа бир бориб келай! — дея жар лабида ўсган пакана арчаларни оралаб кетди.

— Отиб келинг! Отиб келмасангиз келманг! — деди Муродов Исломнинг орқасидан.

— Раис бобо, мен ҳам борай, — деди шофер Қулмамат.

Муродов ўйланди.

— Сен бизга қарашарсан! Пастга туш. Ўт ёқ. Қорнинг совуги келяпти.

Абдумажиднинг орқасидан Йигитали, Муродов ва танбурчи Жонқул эргашди. Қулмамат арчазордан қуриган шох судраб чиқди. Ниҳоят, Эсон ҳам жилди.

Камарнинг ичи илиқ, шамол унинг устидан ўтар эди. Йигитали ўртага бориб, камарнинг дуддан қорайиб кетган шифтига, ёриқларига қаради.

— Бир замонлар авлодларимиз шундай ерларда яшаган-а! — деди.

Муродов оёғи остидаги тезакни этиги учида тепиб юборди.

— Ёввойи одамларни айтасиз-да, Йигитали?

— Ҳа, — деди у кулиб. — Биласизми, Эйнштейн деган бир олим ўтган. Шу одамдан, учинчи жаҳон уруши қандай бўлади, деб сўрашипти. У, учинчи жаҳон урушини билмайман-у, тўртинчи жаҳон урушида одамлар ёй билан урушадилар, депти.

— А-а, ибтидоий ҳаётга қайтади денг? — тошўчоқ бошига келган Эсон тўнғиллади.

— Шундай! Жуда оғир бўлса керак... Биласизлар-

ми, ҳозир оламда тўпланган бомбаларни бир ерга йиғиб портлатсалар, Ер шари ўз орбитасидан чиқиб кетар эмиш!

Муродов хўрсиниб, пастликдан туман ичида кўринаётган арчаларга қаради.

— Қўйинглар-э, уруш бўлмасин! Ҳукуматимиз тинчликни кўзлайди. Урушга йўл қўймайди. Қани, Қулмаматбой, чойдиш олиб келганмисиз? Бир чой ичайлик... Қани кўрпача, шолча? Э, эсингиз қурсин! Оп келинг уларни!

Қулмамат орқасига бурилиб, ғизиллай кетди. Жонқул у келтириб ташлаган арча шохларини оёғида топтаб синдира бошлади. Абдумажид камарнинг тешикларини тимирскилиб юрарди: у туз топди, қалампир топди. Уларни тугун устига қўйиб, Йигиталининг ёнига келди.

— Қалай, Йигитали, чиройлими? — деди пастликка ишора қилиб.

Йигитали хўрсинди, ўчоқ яқинидаги харсангда ўтирган Эсонга кўзи тушиб, хўмрайди, сўнг жилмайди. Эсон «э» дегандай қўл силкиди. Абдумажид кафтларини бир-бирига уриб:

— Мазза! Юртимиз чиройли! — деди.

Йигитали яна хўрсинди. Абдумажид Жонқулга ёрдам бера бошлади.

— Бир қўй сўйишимиз керак экан-да, — пўнғиллади Муродов. — Нима дедингиз, Эсонбой?

— Қўй бор! Қўй бор, худога шукур! — деди Эсон. — Райондан қайтайлик, уйимга борамиз. Қўлингизга пичоқни бераман. Танлаб сўясиз!

Муродов лабини силаб кулимсиради.

— Йигиталибой, Эсонни камбағал деймиз-у, [illegible] шу. Пухта-да бу! Чин пулга зориқиб қолса, бозорга чиқиб, даллоллик қилишдан тоймайди.

— Қиламан даллоллик, қиламан! — деди Эсон. — Бунинг ҳеч жойи йўқ. Керак бўлса, Расийга узум ҳам олиб бораман. Қиламан бу ишниям. Лекин ўғрлик қилмаганман, ҳа. Қилмайман ҳам. Буни яхши тушунсангиз керак, ўртоқ Муродов? Бошқа ишни қиламан. Менинг болаларим сизнинг болаларингизни кўрганда ўксимасин дейман. Менинг болаларим ҳам сизнинг болаларингиз ейишган ёғни тўйиб есин дейман. Илиги пучак бўлиб ўсмасин, бақувват бўлсин дейман. Хоти-

ним тенгқурлари олдида уялмасин дейман. Ҳа. Ўзим ҳам! Битта оғайним келганда қарзга нон сўраб юрмай дейман. Сиз осмонда юрибсиз, ўртоқ Муродов!

Эсон иргиб туриб, Қулмамат келтирган шолчани олиб, ўзи ўтирган қояга қўйди. Пастликка сакраб тушиб, арча бутоғини синдириб келди-да, саҳнга сочилган қий-тезакларни супура бошлади.

Йигитали Эсонга ачиниш билан қараб турди. Камарнинг чангдан холи томонига қараб юрди. Муродов ҳам.

Буёқда Абдумажид Эсонга шивирлади:

— Бопладинг. Сендаям тил-забон бор экан!

— Э, ўзим аҳмоқ! — деди Эсон ва Абдумажидни четлаб ўтиб, Йигитали билан Муродовни олдига борди. Раиснинг ёқасидан ушлайдигандек қўлини чўзди-ю, ҳавода силкитди.

— Йўқ, ўртоқ Муродов, сиз менга айтинг. Мен сизга нима ёмонлик қилдим? — деди. — А?

Муродов чекинди

— Нима бўлган бунга ўзи! Эси жойидами? Бўлди! Бор! — у Абдумажид томонга ишора қилди. — Бор! Ишингни қил! Безор қилдинг-ку кишини...

— А-а, безор қилдимми? — деб кулимсиради Эсон ва яна унинг қўли раиснинг кўкрагига интилди, бироқ яна йўлда қолиб, ҳавони кесди. — Сенладингиз-а! А! Раҳмат... Эссиз! — У қаттиқ кулиб, ёнига етиб қолган Абдумажидга қаради. — Кўряпсанми бу одамни? Ҳой! — Эсон Муродовга тикилди. — Ҳой, тирмизак! Сен биласанми, гирт аҳмоқсан-ку? Раис бўлганингдан бери халққа кулги бўлиб юрибсан! Биласанми шуни! Чунки каллаНг йўқ сени. Ҳей, ноинсоф! Ахир, ўйламайсанми, а? Хўп, бировларга катталик қил, бировларни писанд қилма! Лекин... ўз синфдошларингни ўйла! Ахир ёнгоқ ўйнаб катта бўлганмиз, ланка тепиб ўсганмиз. А? Эсингдан чиқдими? Кинода гунг сени урганда, ким қутқарган эди? Мен! Мана булар!.. Йигитали, сиз уни билмайсиз! Шуларнинг рўй-хотирини қил! Амал тегди, ҳоким булдим деб, ўз дўстларингниям оёқ билан курсатасанми? Биламан, сен мени эмас, мана бу Абдумажидниям, анави Исломниям, мана бу Жонқулниям, энг яқин одамларингниям писанд қилмайсан. Ҳа, булар юзингга гапирмайди... Мен, ўзим аҳмоқман! Тухта,

Абдумажид, жонимни чиқарма сен ҳам! Шунча вақт бунинг гапини эшитиб келдим. Нима деса, хўп дедим. Тўғри, баъзан у-бу нарсадан қарашди, тонмайман... Лекин мен уни, хизматларим ҳақига, ҳурматим ҳақига деб тушунганим йўқ. Бошқа раис бўлгандаям шундай қилардим... Кечирасизлар мени. Йигитали, кечиринг, мен жонимдан тўйдим. Мен бу одамни ўзимизга ўхшаб самимий ҳазиллашади десам, бу масхара қилар экан! Шу билан ўзини кўрсатар экан. Буни илгариям бир-икки марта сезган эдим. Ноинсоф! Ҳурмат-иззатни билмаган! Эсиз. Ўзим аҳмоқман!.. Дўстим раис бўлди деб бошим осмонга етипти. Нима буюрса, бажарибман. Бўлмасам, мен ўқитувчиман, бу билан нима алоқам бор? Йўқ. Буни ҳурмат қилибман, буни сийлабман... Бировлар ёмонлаганда, тарафини олибман. Аҳмоқ ўзим... Абдумажид, қоним қайнаб турипти, нари тур. Бугун телефон қилади бу одам. Лаббай дейман. Уйга меҳмон келди. Бориб қўзини сўй. Эрта телефон қилади. Лаббай, ўртоқ раис? Кўмир тушипти уйга, ташишиб юбор. Хўп бўлади. Нимага ахир? Мен сенга малай бўлганим учун шундай қилдимми, а? Ўзим аҳмоқман... Менга баъзи дўстларим айтган эди. Ҳой, иззатингни бил, у одамга бунча пашшиллашма, деган эди. Мен қулоқ солмаганман! Охири баъзилар мени сенинг малайингга чиқаришган эди. Шундаям кулгига бурган эдим. Энди етмайди, ўртоқ раис. Раис бўлсангиз ўзингизга! Мен сиз билан тенг ҳуқуқли гражданинман. Буни унутманг. Билиб қўйинг, амал ҳеч кимга умрбод берилмайди! Ҳали тушасиз ҳам. Шунда, одамлар сизни оёғи билан сўрашади. Ўлсангиз, жанозангизга бормайди. Мени айтди дерсиз!

Муродов сигаретани сўриб-сўриб тортди-да, қолдиқни чертиб ташлади.

— Ўртоқлар, мени бу одамдан қутқарасизларми ё шайтони шу ердами? Бу айниб қопти-ку! — деди.

Эсон бақрайиб қолди, сўнг кўкрагига туфлади.

— Астағфируллоҳ...

Абдумажид Эсонни тортиб кетди. Жонқул ҳам унинг бир қўлидан ушлади. Эсонга ёмон қараб турган Қулмамат раис чертиб ташлаган сигаретанинг пастдаги хаслар орасида тутаётганини кўрди-да, қоя лабига бориб сакради. Лекин шудринг тушган ўтда сирғалиб ўтириб қолди.

Йигитали кулимсираб, ўйчан турар эди.

— Муродов, сиз ҳам қизишманг,— деди.— Фойдаси йўқ. Дўстсизлар. Шуни унутмаслик керак. Бирларингдан ўтган бўлса, бирларинг кечиринглар. Бу давранинг дўстлигига бутун район халқи ҳавас билан қарайди.

— Э, бўлди!— деди Муродов.— Бу билан охирги гаплашганим шу бўлсин! Аҳмоқ...

— Ким аҳмоқ?!— Эсон ўрнидан ирғиб турди-ю, бирдан манглайига мушт урди.— Ҳа, мен аҳмоқ!— деди, таппа ўтириб, арча бутоқларини қарсиллатиб синдира бошлади.

— Қалай энди, Йигиталибой? Аҳволлар яхшими? Расмларни сотиб оляптими?— гапни бурди Муродов.

— Аҳвол ёмон эмас,— деди Йигитали.— Баъзисини олади, баъзисини йўқ.— Рассом раисга ўгирилди.— Биласизми, ё мен ўз ишларимни тушунтиролмаяпман, яъни ишларим тушунарли эмас. Ёки бошқалар буни тушунмаяпти. Мен кўпроқ водийимиз одамларини чизаман. Уёқда эса баъзи мутахассислар қандайдир бошқача дейишади. Биласизми, Муродов, чамамда, биз ўзимизни яхши билмаймиз, феълу атворимизниям яхши тушунмаймиз... Мен асарларимда халқимиздаги, нима десам экан, қандайдир мардликними, ўзига хос жангариликнимн, жасурликни деймизми, хуллас, шунақа нарсаларни кўрсатгим келади. Баъзилар эса, йўқ, «асл» ўзбек мулойим, кўнгли бўш, айтайлик, бағри кенг дейишади. Биламан. Шундай... Лекин ана ўша мулойимлик заминида тантилик, мардлик бор, катта қалб эгасининг хотамтойлиги бор. Мен ана шундай кишиларни тасвирлашни орзу қиламан. Қаҳрамоним бағри кенг, мулойим, лекин вақти келганда журъати, ғазаби ҳам бор бўлган қаҳрамон бўлса дейман. Масалан, шу Эсон каби. Қандай йигит эди у? Сиз тагин кўнглингизга олманг, у сизни ҳақорат ҳам қилди. Лекин менга бир жиҳати маъқул бўлганини айтишим керак. Кесакдан ўт чиқар экан.

— Э, қўйинг уни!— деди Муродов.

— Йўқ, қулоқ солинг-да. У қизишиб гапираётганда, мен кузатиб турдим. Бу одамнинг қўлидан ҳар бало келиши мумкин. Ҳа, ўртоқ Муродов.

— Нима келади қўлидан!— деди раис.— Ўн беш сутка қамалгиси келган. Мени ҳақорат қилди-ку? Шуни ёзиб берсам, буни тинч қўядими? Мулла минган

...ошнадай қилиб қўяди керак бўлса. Киши ўйлайди-да. Айтганингиздай, синфдош бўлганмиз, тенгдошмиз. Шуни юз-хотир қилади киши. Лекин энди мен бу ўтирган даврада ўтирмайман...

Йигитали кулди.

— Демак, булар билан... ўтирмас экансиз-да? Ахир, Эсон булардан ажралмайди!

— Э, ташвиш тортманг,— деди Муродов.— Йўлини топамиз. Наҳотки биз уйга чақирганда, булар бормаса?

Йигитали раиснинг елкасига қўлини қўйди.

— Булар... бормаймиз деб туриб олишса-чи? Унда хафа бўлмайсизми?

Раис чўнтагидан қўлини чиқариб, силкиди.

— Аллақачон булар билан ўтиришни бас қилганман, Йигитали. Сиз туфайли қўшилдим-да.

Йигитали иягини қашлаб қолди:

— Ўртоқ Муродов, киши деган дўстларини унутмаслиги керак. Оқшом сизни булар орасида кўриб, жуда хурсанд бўлган эдим. Бошқа одамлар ҳам сизлардек дўст бўлишларини орзу қилган эдим... Афсус. Эсон айтганидек, лавозим кишига бир умрга берилмайди. Ишдан тушиб қолиш мумкин. Ё бошқа даврага қўшилдингизми?

— Э, аврасим жонга теккан! — деди Муродов.— Нима бўларди даврада? Ичкилик бўлади. «Ҳи-ҳи-ҳи» бўлади. Мана бундай уйқудан қолиш...

— Кечирасиз,— овози титраброқ сўради Йигитали,— кейинчалик пушаймон қилмайсизми?

— Йўқ, нимага... Яхшики айтаман-да. Бу ерга сизнинг ҳурматингизни қилиб келдим-ку.

— Раҳмат. Чекинг.

— Ўзимники томоқдан.

Абдумажид:

— Марҳамат! — деб лангиллаётган гулханни кўрсатди.— Марҳамат! Бир кун ...бўлсак бўпмиз-да! Келинглар. Кўрпачалар тўшалган! Ҳозир чой қайнайди.

Бориб ўтирдилар.

Абдумажид рўмолни очди, ичидан ушатмоқчи бўлди-ю, чўпга санчиб, ўтга тутди. Буни кўрган Жонқул ҳам ихна олиб, чўп санчиб, ўтга тоблай бошлади. Бирпасда ёғнинг ҳиди бурқсиди. Абдумажид яна шиша очди.

Йигитали кружкани олиб, пича ўйланиб турди-да:

— Хўп, бир-биримизни яхши тушунайлик!— деб ичиб юборди.

— Мана бу Эсонгаям ақл кирсин!— дея Абдумажид ҳам ичди.

— Ҳаммаларинг саломат бўлинглар,— деб Жонқул ҳам кўтарди.

Муродов кружкани олиб, бир нафас тишини сўрди-да:

— Йигитали, сизнинг соғлиғингиз учун! Ҳим, ишларимиз ривож топсин. Хўш, бизнинг планлар бажарилсин. Сиз янги асарлар чизинг,— дея кружкани бўшатди. Абдумажидга қайтариб:— Ўҳ-ҳў! Кўп ичдикда шу кеча!— деди.— Мен анчадан буён бундай ичмаган эдим. Бунинг соғлиққа фойдаси йўқ, а, Йигитали?

— Менимча, ҳаётда фойдали ишга нисбатан зарарли ишни кўп қиламиз,— деди Йигитали.— Кечаси билан ухламай чиқишимиз ҳам зарар. Машинада эзилиб, бу ерга келишимиз ҳам зарар. Албатта, ичишимиз ҳам...

— Рост айтасиз!

Эсон кружкани олиб, ичига қаради-да, Абдумажидга узатди:

— Тузукроқ қуйсанг-чи шу исқотдан! Бу дунёда фойдали нарса йўқ экан-ку!— деди.

Муродов бошини оғир силкитиб, хўрсиниб қўйди.

Эсон кружкани бир кўтаришда бўшатди. Сўнг секин туриб, девор тагларига қаради, ниманидир излади.

Шунда сўқмоққа тошлар кўча бошлади, тапиллаб тушди биров — Ислом. Қўлида битта каклик. Уни ерга ташлаб, милтиқни елкасидан олди.

— Ол буни, текинхўр!

Эсон милтиқни олиб, Муродовга кўз ташлади.

— Ўқи борми?

— Ўқ мана. Белимда. Отасанми ўзингни?— деди Ислом на унинг уриб қолишидан қўрқиб, Йигитали томонга ўтди. У билан раиснинг орасига кириб, чўккалаб олди. Дам унисига, дам бунисига қараб тиржайди:— Қалай дам олишлар?.. Ў-ў, раис бобо! Сизнинг Сочи, Ялтангиздан шу ерларнинг улса ўлиги ортиқ! Бекорга пул сарф қилиб, ўша ёқларга бориб юрасиз! Пул кўпми деймана? Пича беринг, бобожон!— У бирдан Эсонга қараб кулиб юборди.— Унинг ўқрайишини

қара. Еб қўяман дейди. Ҳозир ўқи бўлса, отади мени, худо урсин! Қўрқма, қўрқма!— деб бақирди у Эсонга.— Раисинг ўзингга буюрсин! Менга бир тийини керак эмас. Ҳар ойда ўн беш сўм гонорар ишлайман, мана бундай стади. Уйимга борганингда сенинг ҳам қорнингни тўйгизади. Ҳа, нимага индамайсан? Абдумажид, бу тилдан қолганми? Мундай бақрайиб туришини. Худо урсин, айиққа ўхшайди шу. Ҳа, Йигитали! Айиқнинг аччиқланганини ҳам, хафа бўлганини ҳам билиб бўлмайди. Е индамай бурилиб кетади, ё таппа ушлаб, бўғибгина қўяди кишини.

Шунда Эсон милтиқни бошига кўтариб, метин деворга урди. Шарт бурилиб, сўқмоққа тушди, муюлишдан ўтиб кетди.

Йигитали билан Муродовдан бўлак ҳамма ўрнидан туриб, унинг изидан тушишди.

— Ҳой, эсинг жойидами?.. Эсон! Бўлди энди! Тўхта деяпман! Ҳа, жаҳлинг тутмай ўл! Тентак экан-ку бу! Шунча йил бирга юриб, билмаган эканман!

Улар чопа-чоп қилиб, муюлишдан ўтиб кетишди. Сўқмоқда қолган Қулмамат:

— Раис бобо, шунинг кўзини жойига тушириб қўйинг? Жуда ўйнаб кетиб қолипти. Каттани катта, кичикни кичик билмайди!— деди.

— Улар сен!— деди Муродов.— Районга борайлик, уни биламан. Ветга айт. Тамом. Қўл қўясан сен ҳам. Нима дейсиз, Йигитали!

— Нотўғри қиласиз,— деди рассом.

— Сиз ҳам энди шуларнинг оғайнисисиз-да!

— Сиз ҳам, ўртоқ Муродов...— Йигитали ўйланиб, қўшимча қилди.— Ўртоқ Муродов, кўнглингизга олманг, лекин сизнинг булардан ортиқча жойингиз йўқ. Тўғри, раиссиз, лекин амалдорлик инсоний фазилатга қўшилмайди. Буларда бор шўхлик сизда йўқ. Сизда бўлганини, уни йўқотиб юборгансиз. Буларда бор андиша сизда йўқ. Буни ҳам йўқотиб юборган кўринасиз. Сўзларим қўпол бўлса, узр сўрайман...

Муродов бирдан ирғиб турди.

— Йигитали, кетасизми? Бўлмасам, мен кетдим!

Йигитали ҳам қўзғалди.

— Томоша қилгани келдик-ку, ўртоқ Муродов. Ҳозир дам олишимиз. Кейин ўйлаймиз. Ҳали қуёш ҳам чиққани йўқ. Ҳим, баъзи бир келишмовчилик бўлса,

уни бартараф қилиш мумкин. Шундай эмасми? Мен сизга жиндек тегдим, узр... Менимча, Эсоннинг гапларида ҳам жон бор. Сизнинг табиатингизда манмансираш йўқ эмас. Кўрдингизми, бу хислатингиз баъзан кишига ёмон таъсир қилар экан. Шулар ҳақида ўйлаб кўрмайсизми?

Муродов офтоб нури тега бошлаган жарлик лабига қараб турарди.

— Сигаретдан беринг,— деди. Олиб, чўғда тутатди.— Йигитали, мен сизни дўст бўласизми, деб ўйлаган эдим,— деди. Ўкрайиб турган Қулмаматга бақириб берди:— Жўна! Бировнинг гапига қулоқ солишни қаердан ўргандинг? Қалит ортиқчалик қиляптими? Марш машинага! Ўт олдир, моторни қизитиб тур!— Қулмамат ғойиб бўлди. Раис яна хўрсиниб, тутун буруқситди.— Кечирасиз, ҳурматингизни деб келган эдим, Йигитали. Юринг, кетайлик! Кейин, машинани бераман, ўзингиз чиқасиз. Бу ерда қолсак, сезиб турибман, жанжал чиқади. Анави Эсон айнади! Юринг.

Йигитали жилмайди.

— Ўртоқ Муродов, сизни овора қилганим учун узр сўрайман... Лекин мен булардан ажралолмайман. Кейин, томоша...

— Бўпти. Ҳаммаларингизга хайр.— Муродов илдам юриб, сўқмоққа тушди.

Йигитали ҳам бир-бир босиб, камар устига чиққанда, ёр-жўралар қоя устида хўмрайиб туришар, «газик» изига қайтар эди. У тўғрига йўлга тушиб, чанг кўтариб кетди.

Рассом ҳам қояга чиқиб борди.

— Бу ўзи аслида одаммасди!— деди Абдумажид. Унинг раисга ялиниб, қолишга ундагани ва гапи рад этилгани кўриниб турарди.

— Э, шуни ўйлайсизларми?— деди Ислом.— Йигитали бир кун тоғлиқ бўлсангиз, ҳечқиси йўқдир-а? Ҳадеб шаҳарлик бўлиб кетаверасизми? Пиёда қайтамиз. Чарчасангиз, мана бу эшакнинг устига минасиз... А? Эсон! Ёмон эркансан-ку! Хайрият-э.

Эсон ерга тупурди.

— Сенлар ҳам масхара қилишни ташланглар энди. Айниқса сен, Ислом...

1970

ҚАЙТИШ

Қумрихон опа етмиш ёшдан ошиб қолди. У давлатдан пенсия олади, эпизодик ролларда чиқиб тургани учун театр ҳам ойлик тўлайди.

Умрининг қирқ икки йили шу театр даргоҳида кечди. Бир замонлар опа ўрта бўй, тўлагина, гажак қўйган қизча эди. Ўша кезларда донғи Доғистонга кетиб, шу кишни ўйнагани учун ҳам театрга томошабин ёпирилиб келган пайтлар кўп бўлган. Айниқса уруш йилларида жуда машҳур бўлиб кетган эди.

Мана, йиллар ўтди. Актриса қариди. Ёшлар етишиб чиқди. Бир замонлар у ўйнаган ролларни бошқалар ўйнай бошлади. Опа энди онда-сонда кампирлар ролида чиқади, шунда ҳам кампирлар иштирок этадиган пьеса бўлса. Бошқа вақтларда опа одати бўйича ҳар куни соат ўнда театрга келади. Қоровулдан тортиб бош режиссёргача олдига бориб сўрашади.

Қумрихон опани театрнинг ёш актёрлари ҳурмат қилишади. Эҳтимол, уни ҳурмат қилмайдиганлар ҳам бордир. Лекин театрнинг ёзилмаган қонун ва ахлоқ кодексига биноан опа билан қуюқ сўрашадилар. Албатта, опага ачиниб қарайдиганлар ҳам йўқ эмас, лекин улар ҳам бу ҳолни билдиришмайди унга.

Бир кун опа ўша кенгина залда ўтирган эди, рўпарасида ҳар хил мавзуларда чуғурлашаётган артистлар орасида театрнинг ёш режиссёри Ботирхон Зокирхонов пайдо бўлди-да:

— Ҳозир читка бўлади... Сен, сен, сиз, сиз ҳам читальний залга киринглар! — деди.

Опанинг қулоғи динг бўлди. Қанақа пьесани ўқишаркин? Унга ҳам биронта роль чиқиб қолармикан?

Ботирхон эшикдан мўралади, тағин кимнидир чақирди-да, шошилинч сигарета тутатди ва бурчакда ўрнидан туриб, полдан сумкачасини олаётган опага қаради:

— Сиз ҳам боринг!

Қумрихон опанинг юраги гурс-гурс уриб кетди: мен ҳам борамин экан...

У киши жилмайиб, режиссёрга яқинлашди. Лекин Ботирхон сигаретани бурқситиб, йўлакка кирди. Опа